



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 12 » iyun

№ 239

Toshkent sh.

Асаларичилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада асаларичилик тармоғини замонавий илмий ёндашувлар асосида ривожлантириш, асаларичилик фаолиятини самарали ташкил этиш учун янада қулай шароитлар яратиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда уларни асалари билан чанглатиш амалиётини кенг жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси, “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 1-иловага мувофиқ 2023 йилда **200 минг гектар** майдонда пахта ҳосилдорлигини ошириш учун ғўзани асалари билан чанглатиш агротехникасини қўллаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда ғўзани асалари билан чанглатиш хизмати учун тўловлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан пахта ҳосилини етиштиришни молиялаштиришга ажратиладиган ресурс маблағлари ҳисобидан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) орқали асаларичилик субъектлари, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида тузиладиган шартномага асосан амалга оширилади.

2. Белгилансинки, ғўзани асалари билан чанглатиш агротехникасини қўллаш учун Жамғармага тушадиган маблағларнинг **80 фоизи** асаларичилик субъектларига, **10 фоизи** Уюшмага йўналтирилади ҳамда **10 фоизи** Жамғармада қолдирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари тажрибаси асосида **Асаларичилик саноат марказини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда кооперация асосида аҳоли хонадонларини асаларичиликка ихтисослаштириш, асалари оилаларини етиштириш, **Асаларичилик саноат марказида** асал сотиш дўконлари, асал маҳсулотини қайта ишлаш, қадоқлаш, асаларичилик асбоб-анжомлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш, маҳаллий шароитда она асалариларини етиштириш, “устоз-шогирд” анъанаси асосида ёшларни асаларичилик фаолиятига жалб этиш, асаларининг турли касалликларининг олдини олиш бўйича ветеринария хизматлари ташкил қилинади.

Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари **Асаларичилик саноат маркази** ташкил этиладиган ҳудудларни аниқлаб, ушбу ҳудудлар таркибига киритилган ер участкаларини асаларичилик субъектларига белгиланган тартибда ажратиб берилишини таъминласин.

4. Белгилансинки қўйилсинки, **Асаларичилик саноат марказида** фаолият юритиш истаги бўлган асаларичилик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 13 январдаги ПҚ–84-сон қарорига мувофиқ Франция тараққиёт агентлигининг “**Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш**” лойиҳаси доирасида жалб қилинган ресурс маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг кредитлари ажратилади.

5. Қуйидагилар:

2023 – 2024 йилларда асалари оилалари сонини кўпайтириш ва асал етиштиришнинг прогноз кўрсаткичлари **2-иловага** мувофиқ;

2023 – 2024 йилларда асаларичилик субъектлари ва маҳаллий шароитда етиштириладиган она арилар сонини кўпайтиришнинг прогноз кўрсаткичлари **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатиш бўйича қуйидаги **вазифалар** юклансин:

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун асалари билан чанглатиш хизматини кўрсатишни ташкил этиш;

асаларичилик субъектлари, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида тузиладиган шартномалар реестрини юритиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатиш хизматини кўрсатадиган малакали мутахассисларни тайёрлаш;

қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатиш агротехникасини ва уни қўллашни янада такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

7. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг асаларичилик лойиҳаларининг 2024 – 2025 йилларга мўлжалланган манзилли дастурини шакллантирсин ва ушбу мақсадлар учун Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан босқичма-босқич **35 млрд сўм** миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилишини таъминласин;

асаларичилик билан шуғулланувчи аҳоли хонадонларининг таклифига асосан асалариларни боқиш учун мавсумий экин туридан келиб чиқиб, фермер хўжаликларининг экин майдонларини текин фойдаланиш шарти билан бириктириб бориш чораларини кўрсин.

8. “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси пахта-тўқимачилик кластерлари билан биргаликда пахта майдонларида зараркунандаларга қарши кимёвий ишлов берилишидан уч кун олдин Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ҳудудий бўлинмаларини ва ушбу ҳудудда жойлашган асаларичилик субъектларини фойдаланилаётган кимёвий воситани қўллаш вақти, унинг номи, таъсир доираси ва муддати тўғрисида хабардор қилиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги зараркунандаларга қарши қўлланилаётган кимёвий воситалар тўғрисидаги маълумотлар мобил платформалардаги дастурларда акс эттириб борилишини йўлга қўйсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳосилга кирган интенсив мевали боғлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 2024 йилдан бошлаб шартнома асосида интенсив мевали боғларда асалари билан чанглатиш агротехникасини қўллаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2023 йил 1 декабрга қадар 2024 йилдан бошлаб ҳар йили интенсив мевали боғларда асалари билан чанглатиш агротехникасини қўллаш учун Жамғармага тенг улушларда қайтариш шарти билан йиллик **7 фоиз** ставкада бюджет ссудасини ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Белгилансинки:

а) Уюшмани сақлаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади;

б) 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тизимидаги лабораторияларда Уюшманинг тавсиясига асосан маҳаллий ишлаб чиқарилган асал сифатини текшириш ва хулоса бериш бепул амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва шифохоналардаги беморларнинг кунлик истеъмол рационига асал маҳсулотини киритиш масаласини кўриб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Уюшма билан биргаликда ҳар йили 1–10 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида “Асал байрами” ва “Асаларичилик маҳсулотлари” халқаро кўرғазмасини ўтказиб борсин ҳамда мазкур кўрғазма доирасида:

республика ҳудудларида етиштирилган асал ва асалари маҳсулотлари савдо ярмаркасини ташкил қилиб, аҳолига сифатли асал маҳсулотларини етказиб бериш;

асаларичилик соҳаси ривожланган давлатлардан малакали мутахассислар ва олимларни таклиф этган ҳолда асаларичилик бўйича илғор тажрибаларни тарғиб қилиш;

асаларичилар ўртасида тажриба алмашиш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тасдиқланган дастур асосида ўқув-амалий семинарлар ўтказиш;

республикада ва хорижий давлатларда асаларичилик соҳасида қўлланилаётган илғор технологиялар ҳамда ускуналар кўрғазмасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгилаб қўйилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Уюшма билан биргаликда асаларичилик субъектларининг “Апимондия” халқаро асаларичилик уюшмалари федерацияси томонидан ташкил қилинадиган кўрғазма ва конференцияларда доимий иштирок этишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриб борсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Уюшма “Агробанк” АТБ ҳузурида ташкил этилган “Фермерлар мактаби”да пахта майдонлари ва интенсив мевали боғларда асаларилар билан чанглатиш агротехникасини қўллашнинг аҳамияти, иқтисодий самараси, қишлоқ хўжалиги

экинлари ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатининг ошишига таъсири, бу борада асаларичилик соҳаси ривожланган хорижий давлатлардаги тажрибаларни қўллаш бўйича пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва интенсив мевали боғ эгаларининг ўқув курсларини ташкил этсин.

“Агробанк” АТБга ушбу ўқув курсларини ташкил этиш ва ўқув-амалий қўлланмаларни тайёрлаш, чет элдан малакали мутахассисларни жалб қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини асалари билан чанглатиш агротехникасининг аҳамияти бўйича видеоролик ва телекўрсатувлар тайёрлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тавсия этилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахта ва интенсив мевали боғлар ҳосилдорлигининг ошишига асалари билан чанглатиш агротехникасининг таъсири таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, “Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карта”сига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини кўриб чиқсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 12 ” июндаги 239 -сон қарорига
1-илова

**2023 йилда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан ғўзани асалари билан чанглатиш
агротехникаси қўлланиладиган майдонларнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	Пахта-тўқимачилик кластерлари сони	Жами пахта майдони, гектар	Ўзани асалари билан чанглатиш агротехникаси қўлланиладиган майдон, гектар	Далага қўйиладиган асалари оиласи сони, дона
1	Қорақалпоғистон Республикаси	11	86 800	13 000	26 000
2	Андижон вилояти	15	74 996	14 000	28 000
3	Бухоро вилояти	11	96 220	16 000	32 000
4	Жиззах вилояти	6	82 100	12 500	25 000
5	Қашқадарё вилояти	18	137 500	19 500	39 000
6	Навоий вилояти	4	28 155	10 000	20 000
7	Наманган вилояти	7	61 025	14 000	28 000
8	Самарқанд вилояти	11	73 246	18 000	36 000
9	Сурхондарё вилояти	11	72 270	20 000	40 000
10	Сирдарё вилояти	9	77 500	10 000	20 000
11	Тошкент вилояти	6	70 161	19 000	38 000
12	Фарғона вилояти	13	77 821	15 000	30 000
13	Хоразм вилояти	12	82 757	19 000	38 000
	Жами:	134	1 020 551	200 000	400 000

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “12” июндаги 239 -сон қарорига
2-илова

**2023 – 2024 йилларда асалари оилалари сонини кўпайтириш ва асал етиштиришнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	Асалари оилалари сони, дона		Фарқи, +-	Ўсиш, фоиз	Етиштириладиган асал миқдори, тонна		Фарқи, +-	Ўсиш, фоиз
		2023 йил	2024 йил			2023 йил	2024 йил		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	40 188	48 800	8 612	121,4	1 470	1 643	173	111,8
2	Анджон вилояти	103 053	128 200	25 147	124,4	1 896	2 019	123	106,5
3	Бухоро вилояти	120 364	143 600	23 236	119,3	2 900	3 200	300	110,3
4	Жиззах вилояти	126 311	146 700	20 389	116,1	2 336	2 650	314	113,4
5	Қашқадарё вилояти	130 409	158 300	27 891	121,3	2 730	3 151	421	115,4
6	Навоний вилояти	89 230	110 400	21 170	123,7	2 006	2 342	336	116,7
7	Наманган вилояти	251 275	290 000	38 725	115,4	5 617	6 036	419	107,5
8	Самарқанд вилояти	99 417	125 700	26 283	126,4	2 576	2 790	214	108,3
9	Сурхондарё вилояти	104 727	127 200	22 473	121,4	2 421	2 706	285	111,7
10	Сирдарё вилояти	24 533	40 000	15 467	163,1	866	1 050	184	121,2
11	Тошкент вилояти	84 146	102 000	17 854	121,2	1 973	2 254	281	114,2
12	Фарғона вилояти	131 211	165 000	33 789	125,8	2 356	2 633	277	111,8
13	Хоразм вилояти	95 260	114 385	19 125	120,1	2 378	2 753	375	115,8
Жами:		1 400 124	1 700 285	300 161	128,6	31 525	35 227	3 702	111,7

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–120-сон қарорига илованинг 12-бандига мувофиқ белгиланган.



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 12 ” июндаги 239 -сон қарорига
3-илова

**2023 – 2024 йилларда асаларичилик субъектлари ва маҳаллий шароитда етиштириладиган
она арилар сонини кўпайтиришнинг
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	Асаларичилик субъектлари сони		Фарқи, +-	Ўсиш, фоиз	Маҳаллий шароитда етиштириладиган она арилар сони		Фарқи, +-	Ўсиш, фоиз
		2023 йил	2024 йил			2023 йил	2024 йил		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 750	2 050	300	117,1	40 414	47 801	7 387	118,3
2	Андижон вилояти	2 850	3 180	330	111,6	158 691	171 137	12 446	107,8
3	Бухоро вилояти	1 900	2 180	280	114,7	73 979	83 522	9 543	112,9
4	Жиззах вилояти	2 050	2 400	350	117,1	62 589	79 623	17 034	127,2
5	Қашқадарё вилояти	1 900	2 210	310	116,3	99 159	117 355	18 196	118,4
6	Навобий вилояти	2 000	2 300	300	115,0	110 303	126 351	16 048	114,5
7	Наманган вилояти	3 400	3 850	450	113,2	368 589	389 244	20 655	105,6
8	Самарқанд вилояти	2 650	2 920	270	110,2	56 709	70 722	14 013	124,7
9	Сурхондарё вилояти	1 900	2 180	280	114,7	68 868	88 170	19 302	128,0
10	Сирдарё вилояти	620	910	290	146,8	37 699	47 155	9 456	125,1
11	Тошкент вилояти	2 100	2 380	280	113,3	116 322	131 178	14 339	112,3
12	Фарғона вилояти	2 730	2 990	260	109,5	228 339	256 330	27 991	112,3
13	Хоразм вилояти	2 150	2 450	300	114,0	78 339	91 497	13 158	116,8
Жами:		28 000	32 000	4 000	114,3	1 500 000	1 700 085	200 085	113,3

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мулжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 8 февралдаги ПҚ–120-сон қарорига илованинг 12-бандига мувофиқ белгиланган.